



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYAVIY SUDINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси биринчи қисми 7-бандига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми 6-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2025 йилда мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Тошкент ш.,
2025 йил 30 декабрь,
КСҚ-5-сон



**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2025 йилда мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида АХБОРОТИ

I. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича 2025 йилда амалга оширилган ишлар

Мамлакатимизда конституциявий қонунийликни таъминлаш давлатчиликни мустаҳкамлаш ва унинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

2023 йил 30 апрелда референдумда қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (кейинги ўринларда – Конституция) давлат бошқарувини демократлаштириш, давлатнинг ижтимоий ролини ва мажбуриятларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш асосларини мустаҳкамлади. Бош қомусимиздаги норма ва принципларни ҳаётга татбиқ этиш, шу жумладан, жамият ва давлатни Конституцияга мувофиқ, ҳуқуқий модернизация қилиш, мамлакатда конституциявий қонунийликни янада мустаҳкамлаш бўйича ишлар 2025 йил давомида ҳам фаол давом эттирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (кейинги ўринларда – Конституциявий суд) қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва амалга оширилган чора-тадбирларни ўрганиш асосида қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилган ишларни эътирофга молик, деб ҳисоблайди:

Биринчидан, 2025 йилда янги конституциявий институт ва механизмларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, **одил судловни** рўёбга чиқаришда Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида суд органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари Конституцияга мувофиқлаштирилиб, улар фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилди. Жумладан, суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилишидаги кафолатлари, судларнинг фаолиятини молиялаштиришга оид конституциявий қоидалар қонунларда ривожлантирилди.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи исталган вақтда **сукут сақлаш ҳуқуқидан** фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ҳамда яқин қариндошларига қарши **гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги**, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши мумкин эмаслиги, шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги конституциявий қоидалар қонун ҳужжатларида ривожлантирилди.

Тергов судьялари фаолияти қонуний асосларининг яратилиши ҳамда **Маъмурий суд** ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси тасдиқланиши, **“Рақамли суд”** концепциясини жорий этилиши, **Одил судлов академияси** ташкил этилиши Конституция ва қонун устуворлиги, суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуннинг бекор қилиниши фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудудида эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи Конституциянинг 32-моддаси талабларига мос келади.

***Маълумот учун:** 2025 йил 9 июндаги ЎРҚ–1067-сон Қонун, 2025 йил 10 июлдаги ЎРҚ–1074-сон Қонун, 2025 йил 28 январдаги ЎРҚ–1022-сон Қонун, 2025 йил 11 мартдаги ЎРҚ–1047-сон Қонун, 2025 йил 21 августдаги ПФ–140-сон Фармон, 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармон, 2025 йил 30 январдаги ПҚ–33-сон қарор*

Иккинчидан, вакиллик органларининг мақоми мустаҳкамланиши ва ваколатларининг кенгайтирилиши, **фуқаролик жамияти институтлари** учун шарт-шароитларнинг яхшиланиши Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, жамоатчилик назорати каби принцип ва нормаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, **парламентдаги мухолифатнинг кафолатланган ҳуқуқлари** кенгайтирилиб, уларга қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилганига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир нафар кўмита раиси ва икки нафар кўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чоракда “ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар кафолатланди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларида **ташаббусли бюджет** доирасида ғолиб бўлмаган лойиҳани Қонунчилик палатаси депутати ташаббусига кўра ғолиб деб эълон қилиш тартиби жорий этилганлиги халқ вакилларининг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ролини оширишга хизмат қилади.

Конституциявий суд фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши кафолатларини кучайтириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳат органи сифатида **Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси** тузилишини қўллаб-қувватлайди.

Халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган **Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси** қабул қилинганлиги жойларда демократик тамойилларнинг қарор топаётганлигини кўрсатади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ва давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини **ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш дастури** тасдиқланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг эркинлиги **кафолатларини мустаҳкамлаш** мақсадида уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Маълумот учун: 2025 йил 30 июлдаги ЎРҚ–1077-сон Қонун, 2025 йил 21 августдаги ЎРҚ–1083-сон Қонун, 2025 йил 23 июндаги ПФ–98-сон Фармон, Қонунчилик палатаси ва Сенат кенгашларининг 2025 йил 29 январдаги қўшма қарори, Сенат Кенгашининг 2025 йил 28 январдаги қарори, 2025 йил 2 майдаги 288-сон қарор

Учинчидан, Конституциянинг **37-моддасида** мустаҳкамланган фуқароларнинг **давлат хизматига** киришда тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги нормани самарали амалга оширишга қаратилган замонавий стандартлар жорий этилди.

Хусусан, мослашувчан, профессионал, инновацион ва натижадорликка қаратилган давлат фуқаролик хизматининг янги моделини яратишга қаратилган **Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси** тасдиқланди. Давлат органлари фаоллигининг миллий рейтинги жорий этилиши белгиланди.

Давлат бошқаруви академияси **Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси** этиб, мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истикболли кадрларни тайёрлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси этиб қайта ташкил этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 5 майдаги ПФ–77-сон Фармон, 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон Фармон

Тўртинчидан, фуқароларнинг Конституциянинг **50** ва **51-моддаларида** белгиланган **таълим олишга** бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш соҳаларида **ташқи сифат назоратини** амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи сифатида Президент Администрацияси ҳузурида **Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги** ташкил этилди. **“Президент иқтидорли фарзандлари”** ташаббуси ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастур ҳамда **“Ўзбекистон Республикасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш”** лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Давлатнинг мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича конституциявий мажбурияти доирасида болаларни **мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш** бўйича дастур ва мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. **Илк ривожланиш марказлари** ва **“Келажак” марказлари** фаолияти йўлга қўйилди.

Мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳукукий ва ташкилий асосларини такомиллаштирилиб, нафақат болаларнинг, балки барча ёшдаги фуқароларнинг **қўшимча таълим олиш**, янги касбий билим ва кўникмаларни эгаллаши учун ҳукукий асослар яратилди.

Касбий таълим ва миллий малака тизими такомиллаштирилди. Касбий таълим соҳасини бошқаришга масъул **Касбий таълим агентлиги**, ҳудудларда илғор **касбий маҳорат техникумлари** ташкил этилди. **Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида глобал конвенция** (Париж, 2019 йил 25 ноябрь) ратификация қилинди.

Таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқни самарали амалга ошириш мақсадида 2025 йилда **Туркий давлатлар** халқаро университети, **Ал-Хоразмий** университети, “ToshTech”, Нукус, Наманган, Фарғона, Бухоро давлат **техника** университетлари, Кўкон, “Cyber university” давлат университети, Москва давлат техника университети филиали, Низомий номидаги **Ўзбекистон миллий педагогика университети**, Урганч давлат тиббиёт институти, **Ал-Беруний** номидаги халқаро мактаб-интернат каби янги таълим ташкилотлари ташкил этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 23 октябрдаги ЎРҚ–1091-сон Қонун, 2025 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–1094-сон Қонун, 2025 йил 15 майдаги ПФ–86-сон Фармон, 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ–162-сон Фармон, 2025 йил 5 майдаги ПФ–76-сон Фармон, 2025 йил 28 апрелдаги ПФ–73-сон Фармон, 2025 йил 23 октябрдаги ПФ–190-сон Фармон, 2025 йил 28 апрелдаги ПҚ–151-сон қарор, 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–275-сон қарор, 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–277-сон қарор, 2025 йил 28 апрелдаги ПҚ–152-сон қарор, 2025 йил 1 июлдаги ПҚ–209-сон қарор, 2025 йил 23 октябрдаги ПҚ–316-сон қарор ва б.

Бешинчидан, Конституциянинг **20-моддасида** давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳукукий таъсир чоралари **мутаносиблик принципи**га асосланиши, **26-моддасида** ҳеч ким **қийноққа** солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, айрим **жазо чоралари** қайта кўриб чиқилди ҳамда баъзилари учун **маъмурий жавобгарлик бекор қилинди**. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига **хусусий айблов** институти жорий этилди.

Қийноқларнинг олдини олиш мақсадида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг қийноққа солиниши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш чоғида гумон қилинувчи ва айбланувчи тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин уларни тергов ҳибсхоналарининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 26 июндаги ЎРҚ–1072-сон Қонун, 2025 йил 10 июлдаги ЎРҚ–1075-сон Қонун

Олтинчидан, дунёвий давлат конституциявий принципини (1-модда) рўёбга чиқариш ва **виждон эркинлиги (35-модда)** кафолатларини таъминлаш мақсадида 2025 йилда муҳим ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, **Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси** тасдиқланди. Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича **парламент комиссияси** тузилди.

Фуқароларнинг ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириши учун қўшимча қулайликлар яратиш, “Ҳаж” ва “Умра” зиёратларига бориши билан боғлиқ хизматларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида **“Ҳаж ва Умра ягона портали”** ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси фаолияти такомиллаштирилди, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузурида **Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти**, **Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази**, Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни **мувофиқлаштирувчи кенгаш** ташкил этилди, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди.

Маълумот учун: 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1037-сонли Қонун, 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармон, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг 2025 йил 4 мартдаги қўшма қарори, 2025 йил 27 августдаги 542-сон қарор, 2025 йил 5 сентябрдаги 565-сон қарор

Еттинчидан, Конституциянинг **47-моддасига** мувофиқ, давлат **уй-жой қурилишини** рағбатлантириши ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида **уй-жой ва ипотека бозорини** янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлар белгиланди. Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали **аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури** қабул қилинди.

“Янги Ўзбекистон” массивларининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуришда янги қуриладиган инфратузилма иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва энергия тежовчи ускуналаридан кенг фойдаланиш бўйича талаблар белгиланди.

“Яшил” стандартлар асосида қурилиш лойиҳалари ва қурилган уй-жойларни баҳолаш ҳамда сертификатлаш тизими жорий этилиб, кўп квартирали уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнлари соддалаштирилди ва рақамлаштирилди.

Ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган **Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси** тузилди.

Маълумот учун: 2025 йил 21 февралдаги ПФ–26-сон Фармон, 2025 йил 19 ноябрдаги ПФ–219-сон Фармон

Саккизинчидан, давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳақидаги конституциявий норма (**23-модда**) асосида хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида **Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита**, ҳокимликларда Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича **жамоатчилик кенгашлари** ташкил этилди.

Ҳар йили юртимиздаги барча миллат ва элатлар вакиллари бирдамлигини эътироф этувчи **“Ўзбекистон ягона Ватан!”** анжумани ташкил этилиши белгиланди.

Маълумот учун: 2025 йил 19 мартдаги ПФ–52-сон Фармон, 2025 йил 19 мартдаги ПҚ–115-сон қарор

Тўққизинчидан, Конституциянинг **41-моддасида** белгиланган банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши қонун билан кафолатланиши тўғрисидаги нормани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида **“Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинди.

Маълумот учун: 2025 йил 18 февралдаги ЎРҚ–1031-сон Қонун

Ўнинчидан, Конституцияда шахснинг, шу жумладан, ҳомиладор ва боласи бор аёлларнинг **меҳнат ҳуқуқларига** оид конституциявий кафолатлар (**42-модда**), шунингдек, давлат фуқароларнинг **бандлигини таъминлаш**, уларни **ишсизликдан ҳимоя қилиш**, шунингдек **камбағалликни қисқартириш** чораларини кўриши (**43-модда**) мустаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида фуқароларнинг **меҳнат ҳуқуқлари** кафолатларини таъминлаш ва конституциявий кафолатларни миллий қонунчиликка жорий этиш, меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг электрон тизимга ўтишини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларига ишга кираётган фуқаролардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ҳолларини бартараф этиш чоралари кўрилди. Ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимни ишдан бўшатишга тақиб меҳнат соҳасидаги қонунларга ҳам киритилди.

Камбағал оилалар реестрига киритилган ва ушбу реестрга тушиш хавфи бўлган оилаларни **тоифаларга тақсимлаган** ҳолда давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби жорий этилди. Оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган кўмакни **ижтимоий шартнома** асосида кўрсатиш тартиби тасдиқланди.

Худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадларини ошириш бўйича янги ёндашувларни кенг жорий қилиш мақсадида 2025 йилда **аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури** тасдиқланди.

Маълумот учун: 2025 йил 13 февралдаги ЎРҚ-1030-сон Қонун, 2025 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-1095-сон Қонун, 2025 йил 8 майдаги ПФ-84-сон Фармон, 2025 йил 17 январдаги ПК-12-сон қарор, 2025 йил 27 февралдаги 125-сон қарор, 2025 йил 24 июлдаги 465-сон қарор, 2025 йил 21 июлдаги 454-сон қарор

Ўн биринчидан, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш (**65-модда**), қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш (**67-модда**) бўйича давлат ўз зиммасига бир қатор конституциявий мажбуриятлар олган.

Бу борада давлат иштирокидаги бир қатор корхоналар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг **махсус (эксклюзив) ҳуқуқлари** бекор қилинди. **Эксклюзив ҳуқуқ** хўжалик юритувчи субъектларга қонунлар ва Президент фармон ва қарорлари билан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга фақат иккита мақсад учун берилиши назарда тутилди. Эксклюзив ҳуқуқлар тақдим этилишига ва бундай ҳуқуқлар берилган хўжалик юритувчи субъектларга доир **аниқ талаблар белгиланди**.

2028 йил 1 январга қадар кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига **янги мажбуриятлар юклатилишини** назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга **мораторий** эълон қилинди. Тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари ҳисобидан ижтимоий инфратузилма тармоқлари қуриб, беғараз топширганда, ушбу объектлар учун харажатлар **фойда солиғи базасидан камайтирилиши** белгиланди.

Маъмурий-худудий бирликлар тузилганлиги ёки тугатилганлиги, уларнинг чегаралари ёки бўйсунуви ўзгартирилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектларининг ва бошқа юридик шахсларнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда улар қайта давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан озод этилди.

Тадбиркорларнинг маъмурий харажатларини ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларидаги вақтини тежаш чоралари кўрилиб, бир қанча давлат хизматларини бир вақтнинг ўзида композит кўрсатишни назарда тутувчи тадбиркорлик субъектларини **“Бизнесни 15 дақиқада бошлаш”** тамойили асосида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий этилди.

126 турдаги товарлар санитария-эпидемиология, давлат ветеринария хизмати, ўсимликлар карантини, техник тартибга солиш назоратидаги рўйхатлардан чиқариб ташланди.

Маълумот учун: 2025 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–1058-сон Қонун, 2025 йил 13 январдаги ЎРҚ–1018-сон, 2025 йил 7 февралдаги ЎРҚ–1025-сон Қонун, 2025 йил 30 апрелдаги ПФ–74-сон Фармон, 2025 йил 25 мартдаги ПФ–57-сон Фармон, 2025 йил 19 мартдаги ПФ–50-сон Фармон, 2025 йил 28 февралдаги ПФ–35-сон Фармон, 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–70-сон Фармон, 2025 йил 4 мартдаги ПФ–41-сон Фармон ва бошқалар.

Ўн иккинчидан, Конституцияда фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши (**49-модда**), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа **табiiй ресурслар умуммиллий бойликл**и, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасидалиги (**68-модда**) ҳақидаги нормалар мустаҳкамланган.

Шунингдек, Конституцияда белгиланган ушбу нормаларни амалга ошириш мақсадида **Сув кодекси, “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”, “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди, Атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида **жамоатчилиكنинг ахборот олиш имконияти, иштироки ва одил судловга эришиш имконияти тўғрисидаги Конвенция** (Орхус, 1998 йил 25 июнь) ратификация қилинди. 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланди.

2025 йил **“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт”** йили деб эълон қилинди ва шу йўналишда қабул қилинган алоҳида давлат дастурида **“яшил иқтисодиёт”** тамойилларини кенг жорий қилиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, метан эмиссиясини қисқартириш, **“Яшил бино”** сертификатини жорий этиш, тадбиркорлик субъектларини **“яшил тадбиркор”** сифатида эътироф этиш чоралари белгиланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси тизимидан чиқарилиб, унинг негизида **Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси** ҳамда **Давлат экологик назорат инспекцияси (Экополиция)**, шунингдек, Ўрмон хўжалиги агентлиги негизида **Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилганлиги Конституция асосида давлат ўз зиммасига олган экологик мажбуриятларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Яшил ҳудудларни кенгайтириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини ошириш, очикликни таъминлаш ва рақамлаштиришга қаратилган янги механизмлар жорий қилинди. **Компенсация сифатида экилган дарахт ва бута кўчатлари ҳисобини юритиш тизими** жорий қилинди.

“Яшил” давлат харидлари тизими жорий этилди, давлат харидларини амалга оширишда экологик мезонлар энг яхши таклифларни танлаш ва тендерлардаги харид қилиш ҳужжатларига мажбурий тартибда киритилиши белгиланди.

Экология соҳасида **қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш** мақсадида қурилиш майдонларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар ва уларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни хусусийлаштириш, ҳудудларини қисқартириш, мазкур ҳудудларда **бино ва иншоотлар қуриш тақиқланди. Ботаника боғларини** хусусийлаштириш ва уларнинг ҳудудларида қурилишни амалга ошириш тақиқланди ҳамда ботаника боғлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рўйхатига киритилди.

***Маълумот учун:** 2025 йил 30 июлдаги ЎРҚ–1076-сон Қонун, 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ–1061-сон ва ЎРҚ–1062-сон, 2025 йил 24 февралдаги ЎРҚ–1036-сон, 2025 йил 11 мартдаги ЎРҚ–1045-сон, 2025 йил 3 мартдаги ЎРҚ–1042-сон қонунлар, 2025 йил 30 майдаги ПФ–90-сон Фармон, 2025 йил 18 ноябрдаги ПФ–217-сон Фармон*

Ўн учинчидан, Конституциянинг **57-моддаси** асосида меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилишга ҳамда **ижтимоий давлат** принципини амалга оширишга қаратилган тизимли ишлар давом эттирилди.

Бу борада ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизими такомиллаштирилди, **I ва II гуруҳ ногиронлиги** бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари учун **солиқ имтиёзларини** қўллаш, уларга солиқ имтиёзлари уларнинг мурожаатисиз **проактив шаклда тақдим** этиш тартиби жорий этилди.

Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларнинг аъзоларини банд қилган тадбиркорлик субъектлари учун **компенсация тақдим этиш тартиби** жорий этилди. **“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида **6 та янги молиявий ёрдам турлари** жорий этилди.

Ўзгалар парваришига мухтож шахсларни ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш кўламини янада оширишга, ўзгалар парваришига мухтож вояга етган шахсларни кўллаб-қувватлашга қаратилган **“Фаол ҳаётга қадам” дастури** жорий этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож тоифалари томонидан **ижтимоий карта** орқали харид қилинган айрим товарлар бўйича **қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш** тизими соддалаштирилди.

Давлат ижтимоий суғуртаси тизими такомиллаштирилди, хусусан, фуқароларни давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий ва ихтиёрий асосларда қамраб олиш тартиби, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўлаш асослари мустаҳкамланди.

Маълумот учун: 2025 йил 8 майдаги ПФ–85-сон Фармон, 2025 йил 26 сентябрдаги ПФ–176-сон Фармон, 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–206-сон Фармон, 2025 йил 8 майдаги ПҚ–171-сон қарор, 2025 йил 3 февралдаги ПҚ–41-сон қарор, 2025 йил 27 майдаги ПҚ–194-сон қарор, 2025 йил 2 апрелдаги ПҚ–134-сон қарор

Ўн тўртинчидан, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш **(79-модда)** тўғрисидаги нормаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган кенг кўламли чоралар амалга оширилди.

Истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича **“Эл-юрт умиди”** жамғармасининг янги стипендия йўналиши сифатида **“Ёрқин истеъдод”** лойиҳаси, олий ҳарбий таълим муассасаларининг намунали курсантлари учун **“Олий бош кўмондон” давлат стипендияси** жорий этилди, халқаро фан олимпиадалари ғолибларига тўланадиган бир марталик пул мукофоти миқдори **беш бараварга** оширилди.

Креатив индустрия парклари тармоғи ташкил этилиб, унинг резидентларига бир қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Сунъий интеллект ва замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича **“Ижодий технолаборатория”** ташкил этилиши, **“Ижодкор ёшлар клуби”** ва **“Маданият волонтерлари”** ижтимоий ҳаракати фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.

Олий таълим ташкилотларининг битирувчиларининг ишга жойлаштиришига кўмаклашишга қаратилган **“Келажакка қадам” дастурини** амалга ошириш бошланди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Кенгашлари ҳузуридаги **ёшлар маслаҳат гуруҳлари** ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳолини **жамоавий спорт турларига** жалб қилиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган шахсларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича янги тартиб жорий этилди.

Ёшларнинг тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида **“Ёшлар бизнеси”** дастурини амалга ошириш бошланди, **Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, “Яшил ташаббуслар”**ни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ташкил қилинди.

“Маҳалла еттилиги” ва таълим муассасалари ўртасида ёшлар, жумладан, умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик қилиш тизими жорий этилди, **“Ёшлар ягона электрон платформаси”** ахборот тизими яратилиши белгиланди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги **миллий маърузани** эълон қилиш амалиёти жорий этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 26 мартдаги ПФ-61-сон Фармон, 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ-163-сон Фармон, 2025 йил 10 сентябрдаги ПФ-163-сон Фармон, 2025 йил 20 ноябрдаги ПФ-222-сон Фармон, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2025 йил 26 февралда қарори, 2025 йил 9 октябрдаги 636-сон қарор, 2025 йил 9 октябрдаги 634-сон қарор, 2025 йил 11 ноябрдаги 714-сон қарор

Ўн бешинчидан, Конституциянинг **48-моддасига** кўра, давлат **соғлиқни сақлаш** тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Бу борада 2025 йилда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қисқа муддатли чора-тадбирларни ўз ичига олган **“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар”** дастури амалга оширилди.

2025-2030 йилларда **болалар саратонига қарши курашиш бўйича миллий стратегия** ва уни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди, **Болалар саратони бўйича халқаро академик хаб** ташкил этилди. Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларни Давлат бюджети ҳисобидан бепул даволаш ҳажмини ва ушбу касалликларга чалинган болаларнинг дори воситалари, махсус озиқ-овқатлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиш даражасини ошириш чоралари кўрилди.

Тиббиёт соҳасида **кадрлар тайёрлаш тизими** такомиллаштирилиб, тиббиёт йўналишидаги учта олий таълим муассасаси негизида **Тошкент давлат тиббиёт университети, Тиббиёт илмий-инновацион тадқиқот институти** фаолияти йўлга қўйилди, Университетга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилди ҳамда унинг ҳузурида Трансформация офиси ташкил этилди.

“Рақамли соғлиқни сақлаш” платформасига интеграциялашган, тиббий кўрик жараёнида ва беморларга ташхис қўйишда шифокорга кўмаклашувчи сунъий интеллект технологияларига асосланган **“Шифокорнинг рақамли ёрдамчиси”** дастурини ишга тушириш чоралари белгиланди.

Давлат тиббиёт ва фармацевтика муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чоралар кўрилди. Давлат тиббиёт муассасаларида юқори малакали шифокорлар ойлик лавозим маошларига **устама тўлаш тизими** жорий қилинди.

Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини **гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш**, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Маълумот учун: 2025 йил 19 майдаги ПҚ–185-сон қарор, 2025 йил 19 майдаги ПҚ–186-сонли қарор, 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармон, 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармон, 2025 йил 22 апрелдаги ПҚ–149-сон қарор, 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарор, 2025 йил 9 ноябрдаги ПҚ–336-сон қарор, 2025 йил 3 ноябрдаги ПҚ–331-сон қарор, 2025 йил 22 майдаги 326-сон қарор, 2025 йил 19 июндаги 382-сон қарор, 2025 йил 3 октябрдаги 621-сон қарор

Ўн олтинчидан, Конституциянинг **52-моддасига** мувофиқ, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ушбу конституциявий норма ижроси доирасида 2025 йилда умумий ўрта таълим ташкилотлари директори ва унинг ўринбосари лавозимининг **базавий тариф ставкаси оширилди**, мактабгача таълим ташкилоти директорлари учун базавий тариф ставкалар мактаб директори ўринбосарига тенглаштирилди.

Педагогларни **аттестациядан ўтказиш**, касбий сертификатлаш ва рағбатлантириш тизими такомиллаштирилиб, айрим педагогларни мажбурий аттестацияга жалб этмасдан, уларга амалдаги малака тоифаси бўйича ҳақ тўлаш, маълум талабларга жавоб берадиган педагогларга тўғридан-тўғри малака тоифаси бериш тартиби йўлга қўйилди.

Маълумот учун: 2025 йил 19 мартдаги ПФ–51-сон Фармон, 2025 йил 28 апрелдаги 264-сон қарор, 2025 йил 28 февралдаги 130-сон қарор

Ўн еттинчидан, Конституциянинг **53-моддасига** мувофиқ, жамиятни илмий ва техникавий ривожлантириш ҳамда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни соддалаштириш, айрим интеллектуал мулк объектларини экспертиза қилиш муддатларини қисқартириш, рўйхатдан ўтказиш жараёнларида ортиқча ҳужжатлардан воз кечиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чоралари кўрилди.

Маълумот учун: 2025 йил 8 августдаги ЎРҚ–1080-сон Қонун

Ўн саккизинчидан, Конституциявий суд **коррупциявий омиллар** Конституция нормаларини ҳаётга татбиқ этишдаги энг жиддий таҳдидлардан бири деб ҳисоблайди ва давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида аниқ чоралар кўриладиганини ижобий баҳолайди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизим жорий этилиши, ушбу масалада парламентнинг роли кучайтирилгани, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти янгича тартиб асосида йўлга қўйилганлигини қўллаб-қувватлайди.

Иқтисодиётда коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидларида сотиб олинadиган товар ва хизматлар нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган чегараси белгиланди. Йирик инвестиция лойиҳаларида **коррупцияга қарши халқаро стандартлар** ҳамда йирик аукцион шартларини рақобатбардошлик экспертизасидан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг **коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш** ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларини ташкил этишнинг минимал мезонлари тасдиқланди.

Давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш чоралари белгиланди. Раҳбарлик лавозимларида ишлаётганлар ва ушбу лавозимлар учун захирада турганларнинг **коррупцияга қарши барқарорлик даражасини баҳолаш механизми** жорий этилди.

Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштирилди. Хусусан, “e-yer nazorat” ахборот тизимининг ер соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича имкониятлари кенгайтирилди.

Коррупцияга қарши курашишда муҳим бўғин ҳисобланган **назорат инспекцияларининг** мустақиллигини ошириш чоралари кўрилди. Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридан чиқарилиб, Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашишда **фуқаролик жамияти институтлари иштироки кенгайтириш** мақсадида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилишини нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан муқобил баҳолаш тизими йўлга қўйилди. Коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳаларга ҳар йили 10 млрд. сўм миқдорида грантлар ажратиш ва ижтимоий буюртмалар бериш тартиби белгиланди. **Коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича минтакавий тадқиқот маркази** ташкил этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 16 июндаги ЎРҚ–1069-сон Қонун, 2025 йил 14 апрелдаги ПФ–66-сон Фармон, 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–71-сон Фармон, 2025 йил 19 июндаги ПФ–95-сон Фармон, 2025 йил 26 декабрдаги ПФ–259-сон Фармон, 2025 йил 19 сентябрдаги ПҚ–288-сон қарор, 2025 йил 21 апрелдаги ПҚ–147-сон қарор, 2025 йил 18 сентябрдаги ПҚ–287-сон қарор

Шу билан бирга Конституциявий суд коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш муҳимлигини қайд этган ҳолда давлат органлари томонидан хизмат кўрсатиш ва аҳоли билан мулоқотни бошқа шакллари тартибга солувчи барча ҳужжатларни ва жараёнларни **коррупция ва бюрократияга қарши стандартларига мувофиқлигини ялпи баҳолашни** таклиф қилади.

Ўн тўққизинчидан, 2025 йилда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун қулайликлар яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, фуқароларнинг қарздорликлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган **энг кам кафолатланган даромад** белгиланди.

Суғурта қилдирувчилар мажбурий суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар юзасидан **давлат божини тўлашдан озод** этилди. Фуқароларга **пенсия тайинлаш** жараёнида инсон омилини камайтириб, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш учун ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлган фуқароларга **проактив** шаклда пенсия тайинлаш тартиби жорий этилди.

Маълумот учун: 2025 йил 16 июндаги ЎРҚ–1069-сон Қонун, 2025 йил 31 июлдаги ЎРҚ–1078-сон Қонун, 2025 йил 13 январдаги ЎРҚ–1018-сон Қонун, 2025 йил 19 майдаги ЎРҚ–1066-сон, 2025 йил 17 октябрдаги ЎРҚ–1088-сон Қонун, 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармон, 2025 йил 9 сентябрдаги ПҚ–280-сон қарор

Шу билан бирга Конституциявий суд мазкур йўналишда **мажбуриятлар ихтиёрий бажарилишини рағбатлантириш** механизмларини ишлаб чиқиш, фуқароларга берилаётган **имтиёзларни босқичма-босқич проактив кўрсатишга ўтиш**, тижорат банклари томонидан **банк хизматларини кўрсатишда истеъмолчилар ҳуқуқларига тўлиқ риоя этиш**, **молиявий очиқликни** кенгайтириш, тўланган маблағнинг ортиқча қисми асосий қарзни сўндиришга йўналтирганда кредит суммасини **ўз вақтида қайта ҳисоблаш** ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қўшимча шароит яратади, деб ҳисоблайди.

Конституциявий суд қонунчиликдаги ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни аниқлаш ва уларни қисқартириб бориш механизмларини жорий этиш муҳим деб ҳисоблайди ҳамда шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармонида назарда тутилган Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш бўйича ишларни якунлаш ҳамда келгусида тадбиркорлик субъектлари учун янги **мажбурий талаб жорий этилганда** унинг ўрнига реестрдаги шу соҳа бўйича бошқа бир талабни мажбурий чиқариб юбориш (“one in – one out”) тартибини жорий этишни таклиф этади.

Йигирманчидан, ҳуқуқий давлат, Конституция ва қонуннинг устунлиги конституциявий принциплари ва конституциявий қонунийлик муҳити ўз навбатида **самарали ва шаффоф қонун ижодкорлиги жараёни** ҳамда унинг ҳосиласи сифатида ҳар томонлама маромига етган қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Конституциявий суд жамият ҳаётининг турли соҳалари изчил ривожланиб бораётган шароитда ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш ҳамда тизимлашган ва сифатли қонунчилик тизимини яратиш – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишини эътироф этади.

Ўтган даврда бу йўналишда бошланган тизимли ислохотлар давом эттирилиб, қонунлардаги **хаволаки нормаларни** амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини шу қонуннинг ўзида назарда тутиш, қонун лойиҳасини тайёрлашда тегишли соҳада қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларни қонун даражасида тартибга солиш имконияти кўриб чиқиш каби янги тартиб-таомиллар жорий этилди.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштиришга қаратилган 2025-2029 йилларга мўлжалланган **қонун ижодкорлиги дастури** қабул қилинди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **илмий экспертизадан ўтказиш** тартиблари белгиланди.

Конституциявий суд **“Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”**ги Қонунни амалга ошириш бўйича алоҳида Ҳукумат қарорини қабул қилинганлигини маъқуллайди ва бундай амалиётни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Маълумот учун: 2025 йил 10 апрелдаги ЎРҚ–1054-сон Қонун, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг 2025 йил 4 мартдаги қўшма қарори, 2025 йил 27 майдаги 330-сон қарор, 2025 йил 22 январдаги 29-сон қарор

Шу билан бирга Конституциявий суд тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини жадаллаштиришга чақиради. Бунинг учун қонун лойиҳаларини **тайёрлаш ва баҳолаш методикасини**, шунингдек, ҳар йили муайян соҳа ва тармоқлардаги қонунларни қайта кўриб чиқиш, тизимлаштириш орқали ва **тўғридан-тўғри ишлайдиган ва тизимлашган қонунларни қабул қилиш бўйича дастур** ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Конституциявий суд тизимлашган ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича бошланган ташаббусларни жадаллаштиришга, хусусан, 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастурида назарда тутилган **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишларни якунлашга даъват этади.

Хусусан, Конституциявий суд ҳуқуқий таъсир чораларининг **мутаносиблиги ва етарлилиги** конституциявий принциплари асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасида белгиланган **маъмурий жариманинг энг кўп миқдори** фуқаро ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан**, мансабдор шахсларга эса, **ўн бараваридан** ошмаслиги кераклиги ҳақидаги умумий қоидага риоя этиш ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин бўлган **баъзи ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг аниқ мезонлари ва талабларини ишлаб чиқиш зарур**, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, айрим қонунлар ўртасидаги тафовутлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Конституциявий суд “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун 47-моддаси ва Меҳнат кодексининг 299-моддасида интизомий жазо қўлланилганда ходимга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ёки қўлламаслик юзасидан вужудга келаётган коллизияни Конституциянинг 14, 19, 37 ва 42-моддаларида белгиланган принциплар ҳамда 20-моддасида белгиланган инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган **қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кераклиги** ҳақидаги талабдан келиб чиқиб ҳал этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Конституциявий суд инсон ҳуқуқларини чекловчи нормалар бўйича қонун ва қонуности ҳужжатлар бўйича **жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш** талабига риоя этишга чақиради. Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш вақтида лойиҳада инсон ҳуқуқларини чекловчи нормалар аниқланганда вазирлик ҳулосасида алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим, деб ҳисоблайди.

Конституциявий суд Конституцияни тўлақонли ижро этилишини таъминлаш жамиятдаги **ҳуқуқий онг ва маданият даражасига** ҳам узвий боғлиқ эканлигини эътироф этади.

Бу борада Конституциявий суд **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги Ф-60-сон фармойиши** билан тасдиқланган, **“Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган дастурда тизимли чора-тадбирлар, айниқса, барча ҳудудларда ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Конституция мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича амалий тадбирлар белгиланганлигини қўллаб-қувватлайди.

Шу мақсадда Конституциявий суд ҳуқуқий тарғибот ишлари кўламини кенгайтириш йўналишида олиб борилаётган ислохотларни муҳим деб ҳисоблайди.

Парламент томонидан қабул қилинган **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият дастури** ижросини таҳлил қилиш ва уни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратади.

Конституциявий суд судлар томонидан янги таҳрирдаги **Конституцияни бевосита қўллаган ҳолда қарорлар қабул қилиш** амалиётини қўллаб-қувватлайди. Суд амалиёти таҳлили 2025 йилда Конституция ва унинг моддаларига **183 898** маротаба (2023 йилда – 52 596 марта, 2024 йилда – 168 767 марта) тўғридан-тўғри ҳавола қилинганлигини кўрсатмоқда. Иқтисодий ишлар бўйича Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш ҳолатлари салкам икки бараварга ошиб, **34 766** тадан **60 152** тага етганлиги Конституциянинг шу йўналишдаги нормалари ҳаётда ўз аксини топаётганлигидан далолат беради.

Конституциявий суд Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш бўйича амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда қонунчиликни **Конституцияга мувофиқлаштириш** бўйича бошланган ишларни янада жадаллаштириш зарурлигига эътибор қаратади.

Бу борада Конституциявий суд Конституциянинг 93-моддаси биринчи қисми 11-бандидан келиб чиқиб, барча **мажбурий тўловларни ўзида жамлаган ягона қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиш бўйича ишларни жадаллаштиришга чақиради.

Конституциявий суд давлат ўз зиммасига олган Конституциядаги ижтимоий ва бошқа мажбуриятлар бажарилиши ҳолати устидан **парламент назоратини** ўрнатиш, ушбу мажбуриятлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар томонидан кўрилаётган чораларни мунтазам равишда қўмита йиғилишларида муҳокама қилиб боришни тавсия этади.

Умуман олганда, Конституцияни давлат ва жамият ҳаётига тўлақонли татбиқ этиш ҳамда унинг нормаларини қонунчилик ҳужжатларида реализация қилиш ва ривожлантириш бўйича Конституциявий суд томонидан олиб борилган **мониторинг ишлари шу кўрсатадики**, жорий йилда ушбу йўналишлар бўйича **200** га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, шулардан **40** дан ортиғи **қонун**, **100** дан зиёди **Президент фармон ва қарорлари** ва бошқа турдаги ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Конституциявий суд:

1) қонунчиликдаги ортиқча **бюрократик тартиб-таомилларни аниқлаш ва уларни қисқартириб бориш** мақсадида Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун янги **мажбурий талаб жорий этилганда**, унинг ўрнига реестрдаги шу соҳа бўйича бошқа бир талабни мажбурий чиқариб юбориш (**“one in – one out”**) тартибини жорий этиш;

2) мажбуриятлар **ихтиёрий бажарилишини рағбатлантириш** механизмларини ишлаб чиқиш, фуқароларга берилаётган имтиёзларни босқичма-босқич **проактив кўрсатишга** ўтиш, тижорат банклари томонидан **банк хизматларини кўрсатишда истеъмолчилар ҳуқуқларига тўлиқ риоя этиш**, тўланган маблағнинг ортиқча қисми асосий қарзни сўндиришга йўналтирилганда кредит суммасини қайта ҳисоблаш ва молиявий очикликни кенгайтириш;

3) коррупцияга қарши курашиш йўналишида давлат органлари томонидан хизмат кўрсатиш ва аҳоли билан мулоқотни бошқа шакллари тартибга солувчи барча ҳужжатларни ва жараёнларни **коррупция ва бюрократияга қарши стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолашдан ўтказиш**;

4) тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини жадаллаштириш мақсадида бундай қонун лойиҳаларини **тайёрлаш ва баҳолаш методикасини**, шунингдек, ҳар йили муайян соҳа ва тармоқлардаги қонунларни қайта кўриб чиқиш, тизимлаштириш орқали ва **тўғридан-тўғри ишлайдиган ва тизимлашган қонунларни қабул қилиш бўйича дастур** ишлаб чиқиш;

5) инсон ҳуқуқларини чекловчи нормалари мавжуд бўлган қонун ва қонуности ҳужжатлар бўйича **жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш** мақсадида лойиҳа Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш вақтида унда инсон ҳуқуқларини чекловчи нормалар мавжудлиги ҳақида вазирлик хулосасида алоҳида кўрсатиб ўтиш;

6) Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича **Миллий фаолият дастури** ижросини таҳлил қилиш ва уни бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришга, янги конституциявий принцип ва институтларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беришга қаратилган мақсадли **илмий тадқиқот ишларини** ташкил этиш;

7) Конституция талабларидан (93-модда биринчи қисми 11-банди) келиб чиқиб, барча **мажбурий тўловларни ўзида жамлаган ягона қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиш бўйича ишларни жадаллаштириш;

8) тизимлашган ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича бошланган ташаббусларни жадаллаштириш, хусусан, **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишларни якунлаш ва лойиҳани ҳуқуқий таъсир чораларининг мутаносиблиги ва етарлилиги конституциявий принциплари асосида қайта кўриб чиқиш, бунда оширилган жарима миқдори белгиланиши мумкин бўлган **баъзи ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг аниқ мезонлари ва талабларини ишлаб чиқиш**;

9) “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун 47-моддаси ва Меҳнат кодексининг 299-моддасида интизомий жазо қўлланилганда ходимга нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш ёки қўлламаслик юзасидан вужудга келаётган коллизияни Конституциянинг 14, 19, 37 ва 42-моддаларида белгиланган принциплар ҳамда 20-моддасида белгиланган инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган **қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кераклиги** ҳақидаги талабдан келиб чиқиб ҳал этиш;

10) Конституцияга мувофиқ давлат ўз зиммасига олган ижтимоий ва бошқа мажбуриятлар бажарилиши ҳолати устидан парламент назоратини ўрнатиш, ушбу мажбуриятлар бўйича масъул вазирлик ва идоралар томонидан кўрилаётган чораларни мунтазам равишда қўмита йиғилишларида муҳокама қилиб бориш лозимлигига эътибор қаратади.

II. Конституциявий суд томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўллаш бўйича амалга оширилган ишлар

Конституциявий суд томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш орқали уларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тааллуқли бўлган қонунларнинг **Конституцияга мувофиқлиги текширилади.**

Конституциявий шикоят институти конституциявий одил судловга эришиш ва конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. 2025 йил давомида Конституциявий судга жами **1 844 та** (2024 йилда – **1400 та**) мурожаатлар, шундан **1 772 таси** фуқаролардан, **72 таси** юридик шахслардан келиб тушган. Фуқаролар томонидан умумий юрисдикция судлари, тергов органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, фуқаролик, уй-жой, меҳнат қонунчилигининг алоҳида нормаларини конституциявийлигини текшириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳ ва тушунтириш бериш юзасидан мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатларнинг маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, энг кўп мурожаат **Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан** келиб тушган.

Конституциявий суд томонидан 2025 йилда конституциявий назорат тартибида **81 та** қонун ва **386 та** бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (2024 йилда **70 та** ва **218 та**) Конституцияга мувофиқлиги ўрганилган.

Хусусан, Конституциявий суднинг 2025 йил 31 январда бўлиб ўтган суд мажлисида **Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни** 8, 9, 10-моддалари иккинчи қисмининг Савдо-саноат палатасига оид нормаларига шарҳ бериш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Конституциявий суд томонидан Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволари (аризалар) бўйича “кўрсатилган шахсларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, давлат божи шу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилади”, деган нормани, давлат божи ариза қайси шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган бўлса, шу шахслардан даъво талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, деб тушуниш лозимлиги тўғрисида нормага аниқлик киритилди.

Шу билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келмайдиган мурожаатлар улуши юқори бўлиб қолмоқда. Конституциявий суд бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 18 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ–253-сон Фармонида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаати кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган талабларга жавоб бермаган тақдирда, **мурожаатда назарда тутилган масалаларни Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларга юбориш механизмининг жорий этилганини қўллаб-қувватлайди.**

Конституциявий назорат тартибида текширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича Конституциявий суд ҳужжатларида замонавий конституционализм амалиётини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш бўйича **конституциявий-доктринал ёндашувлар баён этилган**, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг **аниқ йўналишлари кўрсатиб берилган**, ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг конституциявий-ҳуқуқий масалаларига эътибор қаратилган.

Умуман олганда, сўнгги йилларда конституциявий иш юритиш амалиёти кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, Конституциявий суд ишларни кўриб чиқиш, хулоса ва қарорларни қабул қилиш каби **процессуал масалаларни тартибга солувчи қонуний асосларни такомиллаштириш** мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Конституциявий суднинг 2024 йилдаги мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборотида илгари сурилган ташаббуслар асосида жорий йилда вазирлик ва идоралар томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Конституциявий суд масъулларнинг эътиборини тергов ва суд жараёнида вақтинча тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларга байрам кунларида озик-овқат, кийим-кечак киритиш, тоза ҳавода сайр қилиш, яқин қариндошлари ва адвокатлари билан учрашувга рухсат берадиган тизимни жорий этиш масаласига қаратган эди.

Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида камида икки соат давом этадиган сайр этиш, кийим-бош ва пойабзал олиш ҳамда ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир бараваригача бўлган миқдорда пул сарфлаш бўйича ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик таклифини киритди ва ушбу таклиф жорий йил 18 ноябрь куни парламентнинг қуйи палатасида кўриб чиқилиб, маъқулланди.

2. Конституциявий суд баъзи ҳудудларда **фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни эркин тасарруф этишда тўсқинликларга учраши** Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига оид Конституциянинг 67-моддасида белгиланган кафолатларга зид эканлиги юзасидан ўз хавотирларини билдирган эди.

Шу муносабат билан Конституциявий суд Қонунчилик палатаси депутатларининг товарлар, ишлар, хизматларнинг эркин ҳаракатланишига ёки реализация қилинишига аралашиш ёхуд тўсқинлик қилиш ҳолатлари юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш бўйича 2025 йил 14 октябрда қўйи палатада қабул қилинган қонунчилик ташаббусини Конституциянинг 67-моддаси ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

3. Конституциявий суд 2024 йилда шахснинг **сукут сақлашга** оид конституциявий ҳуқуқини қонунларда акс эттириш ва **тергов судьяси** ваколатларининг қонуний асосларини яратишни жадаллаштиришга чақирган. Конституциявий суд ушбу масалалар бўйича жорий йилда тегишли қонунларнинг қабул қилинганини судлар фаолияти ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини кучайтиришда муҳим қадам бўлди, деб ҳисоблайди.

4. Конституциявий суд **қонунлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатларига оид умумий нормаларни** ҳокимлик ва маҳаллий Кенгашлар ўртасида ажратган ҳолда аниқ таҳрирда баён этиш таклифи бўйича 78 та қонун ҳужжатларига маҳаллий ҳокимликлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини ажратишга қаратилган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 9 сентябрда қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилганлигини ижобий баҳолайди.

5. Конституциявий суд 2024 йилги ахборотда Конституцияни **тўғридан-тўғри қўллаш масаласида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини малакасини ошириб бориш** ташаббуси билан чиққан эди. Конституциявий суд бу борада Одил судлов академиясида малака ошириш курсларида “Одил судловни амалга оширишда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг мазмун-моҳияти” бўйича алоҳида мавзу киритилиб, 2025 йилда 555 нафар суд корпуси вакиллари ўқитилганлигини қўллаб-қувватлайди ва бу амалиётни давом эттиришга чақиради.

6. Юридик ёрдамни давлат ҳисобидан кўрсатишга оид (29-модда) конституциявий норма ижросини самарали ташкил этиш мақсадида **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунда** давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган кам таъминланган шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституциявийлигини текшириш бўйича мурожаатларини Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқишни ҳам киритишни таклиф этган эди. Шу муносабат билан тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасида жорий йил 5 августда қабул қилинганлиги ҳамда 31 октябрда Сенат томонидан маъқулланганлиги юқори эътироф этилади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Конституциявий суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, конституциявий суд ишларини юритиш, ҳулоса ва қарорларни қабул қилиш каби **процессуал масалаларни тартибга солувчи қонуний асосларни такомиллаштириш** мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

III. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тўғридан-тўғри қўллаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ва таклифлар

Ўтган даврда конституциявий суд иш юритуви давомида, шунингдек, Илмий-маслаҳат кенгаши томонидан киритилган таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Конституциявий суд Конституцияни тўғридан-тўғри қўллаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги айрим масалаларга эътибор қаратади.

Биринчидан, Конституциявий суд фуқароларнинг **малакали юридик ёрдам олишга** бўлган конституциявий ҳуқуқларини (29-модда) таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг энг устувор ва муҳим талабларидан бири эканлигини эътироф этади.

Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ўзи мустақил ҳуқуқ бўлиши билан бир қаторда, бошқа муҳим конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш ва сақлаб қолиш учун ҳам зарур шароит яратиб беради.

Бу борада тергов амалиётида жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва ҳимоячининг процессуал ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, Конституциявий суд ЖПКнинг 46, 48 ва 53-моддаларида айбланувчи, гумон қилинувчи ва ҳимоячи **жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор билан танишиш ва ундан нусха олиш ҳуқуқини** ҳам алоҳида белгилаш ҳамда ўз ҳисобидан нусха олиш учун зарур шароит яратиб бериш лозим, деб ҳисоблайди.

Иккинчидан, Конституциявий суд 2025 йил 23 октябрдаги Қонун билан вояга етмаганларга нисбатан **жиноий жавобгарлик либераллаштирилгани,** ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсни судланмаган деб ҳисоблашнинг алоҳида тартиби белгиланганини **Конституциянинг 78-79-моддаларида** ёшлар учун назарда тутилган конституциявий кафолатлар моҳиятига мос, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга Конституциявий суд бу борадаги ислохотларни давом эттириш муҳимлигини қайд этади ҳамда бу йўналишда **манзил-колониясида сақланаётган** вояга етмаганларнинг **таълим олишга** бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қўшимча чораларни кўриш, хусусан, ушбу муассасалардаги **махкумларни ўрта махсус ёки касб-хунар таълими билан қамраб олиш тизимини** йўлга қўйишни тавсия этади.

Шунингдек, амалиётда **мактабда таҳсил олаётган вояга етмаганларга** нисбатан **қамок эҳтиёт** чораси қўлланилганда, уларнинг ўрта таълим олиш жараёни тўхтатилиб, жазони ижро этиш давомида эса улар ўз ўқишини **бир йил олдинги синфда ўқишга мажбур бўлмоқда.**

Юқоридаги ҳолатни инобатга олиб, Конституциявий суд қамок эҳтиёт чораси қўлланилган вояга етмаганларнинг **узлуксиз умумий ўрта таълим олишини** таъминлаш, бу борада уларга суд-тергов жараёнлари сабабли таълимдан узилиб қолиши натижасида **қолдирилган дарс соатларини ўзлаштириш ва имтиҳон орқали қоплаш имконини** яратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Учинчидан, Конституциявий суд **ҳаракатланиш эркинлиги инсоннинг энг муҳим табиий конституциявий ҳуқуқларидан** бири бўлиб, уни чеклаш энг сўнгги ҳуқуқий таъсир чораси бўлиши ва ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллаш билан мақсадга эришишнинг имкони бўлмаган тақдирдагина қўлланилиши зарурлигига эътибор қаратади.

Мутаносиблик конституциявий принциpidан келиб чиқиб, Конституциявий суд маъмурий қамок жазосини қўллашнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ бўлган **аниқ мезонларини ишлаб чиқишга** ҳамда **биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан маъмурий қамокнинг энг кўп муддатини қўллашни чеклашга** чақиради.

Молиявий имконияти йўқлиги сабабли ижро этилмаган жаримага муқобил сифатида уни қамок билан алмаштириш механизминини қайта кўриб чиқиш ҳамда жаримани алмаштириш мумкин бўлган бошқа жазо чораларини, шу жумладан, **мажбурий жамоат ишларини** жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Конституциявий суд Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан тақдим этиладиган **маърузаларида** ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича алоҳида кўрсатиб ўтишни тавсия этади.

Тўртинчидан, Конституциявий суд **мамлакатни рақамли ривожлантириш** стратегик аҳамиятга эга мақсадлардан бири эканлигини эътироф этади ҳамда бу борада амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Айни дамда рақамли трансформация янгича иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириб, инсон ва фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Конституциявий суд рақамлаштиришнинг ҳозирги суръатларини инобатга олиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратишга чақиради:

– сунъий интеллектга асосланган рақамли технологияларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётига таъсирини пухта ўрганиш ҳамда бундай технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни **ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатини ишлаб чиқиб**, унда ушбу муносабатларнинг барча иштирокчиларининг хавфсизлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид аниқ ҳуқуқий қоидаларни белгилаш;

– Конституциянинг 31-моддасида белгиланган **шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи** кафолатларини яратиш мақсадида ҳозирги сунъий интеллект технологиялари жадал ривожланаётган шароитда мазкур конституциявий ҳуқуқни таъминлаш мақсадида барча **давлат органлари фаолиятини шахсий ҳаёт дахлсизлиги нуқтаи назаридан аудитдан** (“privacy audit”) ўтказиш;

– ижтимоий тармоқларда интернет-фирибгарликнинг янги шакллари, айниқса, тиббиётда **сертификатдан ўтмаган дорилар, даволаш хизматлари ва таркиби номаълум биологик фаол қўшимчаларни** давлат органлари номидан **сохта хабарлар ёрдамида** тарқатиш ҳолатлари ортиб бораётганлигини инобатга олиб, Интернетдаги сохта тиббий рекламанинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

– Конституциявий суд фаолиятига **замонавий рақамлаштириш дастурларини жорий этиш**, шу жумладан Конституциявий суд фаолияти очиклигини таъминлаш учун **фуқаро ва юридик шахсларга интерактив хизматлар** кўрсатадиган ахборот тизимларини яратиш.

IV. Хулоса

Конституция устуворлиги ҳуқуқий давлатчилик, давлат ва жамият барқарор ҳамда уйғун тараққиётининг зарурий шарти бўлиши баробарида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли амалга оширишга қаратилган миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши учун муҳим омил ҳамдир.

Конституциявий суд барча даражадаги давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўз фаолиятида Конституцияга мутлақ ва сўзсиз риоя қилишга, ҳар қандай ҳуқуқий қарорнинг марказида инсон шаъни, унинг қадр-қимматини адолатли ҳуқуқий мезон сифатида акс эттиришга, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳар бир масалани Конституция норма ва принциплар руҳи ҳамда талаблари асосида қўллашга чақиради.

Конституция фақат давлат органлари учун эмас, балки қарор қабул қилаётган ҳар бир мансабдор шахс, судья, қонун ҳужжати лойиҳасига масъул ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жавобгар мансабдор шахс, шунингдек жамиятнинг барча аъзолари учун беқиёс ҳуқуқий мезон бўлишига эришиш – ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим шарти. Шу боис, Конституциявий суд Конституция устунлиги ва қонун устуворлиги кучли умуммиллий ҳуқуқий интизом, ялпи ҳуқуқий масъулият ва давлат бошқарувининг барча бўғинлари учун долзарб амалий вазифага айланиши лозимлигини эътироф этади.

Конституциявий суд мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаётнинг барча соҳаларида инсон қадр-қиммати устуворлигига эришиш мақсадида Конституция устуворлигини таъминлаш конституциявий принцип ва нормаларни қонунчиликда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўллаш ва ривожлантириш орқали амалга оширилаётганлигини эътироф этган ҳолда барча даражадаги давлат органларини ўз фаолиятларида юксак конституциявий мезон ва адолатли андозалар асосида Конституцияга сўзсиз амал қилиш орқали ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган умумий саясий-ҳаракатларга ўз ҳиссаларини қўшишга чақириб қолади.